

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ИЛГОР
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ МАРКАЗИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**“САНОАТ ВА ФУҚАРО БИНОЛАРИ АРХИТЕКТУРАСИ”
фанидан талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини
ижодий иш шаклида ташкил этиш дастури, баҳолаш мезонлари ва
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Самарқанд – 2020

КИРИШ

Талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ўтказиш бўйича тузилган ушбу дастур республикамиздаги 5340200-“Бино ва иншоотлар қурилиши” таълим йўналишининг ўқув режасига асосан «Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси» фанлари ўқитиладиган Олий таълим муассасаларига мўлжалланган.

Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси, Давлат таълим стандартлари, малака талаблари ҳамда намунавий фан дастури асосида тузилган.

Мазкур дастурда 5340200 – “Бино ва иншоотлар қурилиши” (иншоотлар турлари бўйича) таълим йўналиш учун «Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси» фанидан ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ўтказиш ҳақида маълумотлар берилган.

Ташкилий қўмита таркиби:

- | | |
|---------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Э.Х. Исақов | - Раис, СамДАҚИ, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор |
| А. Мамадалиев | - Раис ўринбосари, ОЎМТВ Иқтидорли ёшларни саралаш, академик лицейлар ва ихтисослашган таълим муассасалари бўлими бошлиғи |
| М.М. Маҳмудов | - масъул, СамДАҚИ, “Бинолар ва иншоотлар” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент |
| М.Х. Жамолова | - масъул котиб СамДАҚИ, “Бинолар ва иншоотлар” кафедраси кабинет мудири |
| А.А. Байзақов | - аъзо, СамДАҚИ, “Қурилиш” факультети декани, т.ф.н., доцент |
| Э.С. Тулаков | - аъзо, СамДАҚИ, “Бинолар ва иншоотлар” кафедраси доценти, т.ф.д. |
| Ш.Х. Узоқов | - аъзо, СамДАҚИ, “Чизмачилик ва чизма геометрия” кафедраси мудири, доцент |
| С.В. Боқиев | - аъзо, Самарқанд шаҳар “NINA STROY SERVIS” МЧЖ директори, т.ф.н. |
| С.М. Маҳмудов | - аъзо, ТАҚИ, “Бинолар ва иншоотлар ” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент |
| Н.А. Асадов | - аъзо, ЖизПИИ “Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси мудири, т.ф.н., доцент. |

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур дастур талабалар ўртасида Республика онлайн фан олимпиадасини (кейинги ўринларда Олимпиада деб юритилади) ташкил этиш, ўтказиш ҳамда унда қатнашиш ва олимпиада ғолибларини аниқлаш тартибини белгилайди.

1.2. Олимпиадани ўтказишга Вазирлик ҳузуридаги Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси, Таълим муассасаларида электрон таълимни ривожлантириш маркази ҳамда Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти масъул ҳисобланади.

1.3. Олимпиада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон қарорида белгиланган талабларни инобатга олиб, олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда ОТМ деб юритилади) талабаларининг мутахассислик ва умумқасбий фанлар бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш, ривожлантириш ва уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқаришга кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган.

1.4. Олимпиадани ташкил этиш юзасидан Вазирликнинг буйруғи асосида Олий таълим муассасалари талабалар ўртасида ўтказиладиган республика фан олимпиадасини онлайн шаклида ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби юқоридаги шакл бўйича тасдиқланган.

1.5. Ташкилий қўмита олимпиаданинг ташкилий-техник ва ахборот тизимларини ташкил этиш, олимпиада ғолиблари ва иштирокчиларини рағбатлантириш вазифаларини таъминлайди.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил майдаги 275-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган фан олимпиадасини онлайн шаклида ўтказиш тартиби тўғрисидаги Муваққат Низом”га кўра фан олимпиадасида Олий таълим муассасалари бакалаврият таълим йўналишларининг барча иқтидорли талабалари иштирок этишлари мумкин. ҳамда ушбу иштирокчилар учун ягона ахборот порталини яратиш ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳамда назорат қилиш талаба таҳсил олаётган олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

1.7. Олимпиада “Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси” фанидан ижодий иш тақдимооти шаклида ўтказилади.

1.8. Олимпиаданинг адолатли ўтказилишини назорат қилиш ҳамда натижаларини таҳлил этиш вазирликнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

II БОБ. ФАН ОЛИМПИАДАСИНИ ОНЛАЙН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

2.1 Олимпиада жорий йилнинг 28 майига қадар ўтказилади.

2.2. Олимпиада иштирок этувчи талабалар жорий йилнинг 5-15 май кунлари вазирликнинг **olimpiada.edu.uz** портали орқали танлаган фани бўйича электрон рўйхатдан ўтишлари керак.

2.3. “Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси” фани бўйича рўйхатдан ўтган талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда, олимпиадани ўтказиш санаси ва вақти бўйича жадвал шакллантирилади ва жорий йилнинг 20 май куни **olimpiada.edu.uz** порталига жойлаштирилади.

2.4. Электрон рўйхатдан ўтган талабаларни шахсини тасдиқлаш ишлари ОТМлар томонидан жорий йилнинг 18-20 май кунлари амалга оширилади.

2.5. «Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадаси алоҳида келишилган жонли видео конференция тизимлари (Zoom, JitsiMeet) орқали тўғридан-тўғри яъни, онлайн тарзида ўтказилади ва назорат қилинади. Шу сабабли, иштирок этувчи талабалар ва уларнинг илмий раҳбарлари (ҳар бирлари алоҳида) шахсий ноутбук, компьютер ёки мобил телефон қурилмаларига **видео конференция тизимларидан (Zoom, JitsiMeet)** фойдаланиш имкониятини берадиган дастурини ва иловаларни юклаб олиши ва уни техник соз ҳолатда бўлишини таъминлашлари зарур. Олимпиада ҳужжатларини, иштирокчилар бажарадиган ишларни, тарқатма материалларни қабул қилишда, алмашишда ва ҳайъат аъзолари ўзаро мулоқат ўрнатишда бошқа алоқа тизимлари (**telegram**) ҳам қўлланилиши кўзда тутилган. Талабалар берилган топшириққа тайёргарлик кўраётган ва унга жавоб бераётган вақтда уларнинг ёнида ҳеч ким бўлмаслиги, ҳалақит бермаслиги (асосан илмий раҳбарлари бўлса ҳам), бўлганда ҳам фақат номутоҳассис шахс бўлиши талаб этилади. Барча ОТМлари юқоридаги масалалар юзасидан талабалар ва уларнинг илмий раҳбарларига шарт-шароитлар яратиб бериши ва номақбул ишларни олдини олишлари зарур.

2.6. Талабалар танлаган фанлари бўйича олимпиадани ўтказиш санаси ва вақти бўйича жадвал асосида **olimpiada.edu.uz** порталига киришлари лозим бўлади ҳамда уларга 4 соат (240 дақиқа) вақт берилади, шу вақт ичида танланган мавзу бўйича “Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси” фани бўйича масъул ОТМ томонидан топшириқни бажариш учун мавзулардан биттасини танлаб белгиланган вақт мобайнида бажариб беришлари лозим.

2.7 Олимпиада ўтказилган “Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси” фани бўйича ижодий иш шаклидаги топшириқлар натижалари масъул ОТМ томонидан 24 соат ичида тақдим этилган маълумотлари асосида **olimpiada.edu.uz** портали орқали эълон қилинади.

2.8. Олимпиада иштирокчиларининг ахборот-коммуникация технологияларининг имконияти ва курилмаларидаги техник носозликлар бўйича шикоят ва аризалар кўриб чиқилмайди.

2.9. Олимпиадани ўтказиш жараёни ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситаларида ҳамда Вазирлик, ОТМ расмий веб-сайтларида ёритилади.

III БОБ. ФАН ОЛИМПИАДАСИНИНГ ТУРИ ВА ШАКЛИ

3.1. Олимпиадани онлайн ўтказиш мақсадида “Fan Olimpiadasi – Vino va inshootlar - 2020” махсус телеграм-гурух яратилган (уланиш учун ҳавола - https://t.me/architektura_olimpiada) “Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси” фани бўйича олимпиадада иштирок этувчилар ушбу каналга уланишлари мумкин.

3.2. Олимпиаданинг 1-тури белгиланган куни эрталаб 8:30 да бошланади унда қатнашувчи талабалар 30 минут давомида регистрациядан ўтишади ҳамда олимпиадада бажариш учун тайёрланган олтига (6) та топшириқдан биттасини танлашади.

3.3. 1-тур соат 9:00 да бошланади. 1-тур учун 4 соат вақт ажратилади. Иштирокчилар танланган вариант бўйича ижодий ишни бажарадилар ва соат 13:00 га қадар бажарган ишларни комиссия аъзоларига телеграмм канали орқали топширилади. Топшириладиган иш битта (1та) умумийлаштирилган (компановка қилинган) файлдан (расмдан) ташкил топган бўлиши шарт.

3.4. 2-тур шarti бўйича талаба ўзи бажарган лойиҳа ишини барча талаблар бўйича оғзаки ҳимоя қилиши ва эксперт ҳайъати томонидан берилган саволларга жавоб бериши керак. 2-тур соат 14:00 да бошланади. Оғзаки ҳимоя қилиш учун хар битта иштирокчига 5-7 дақиқа ва савол жавоб учун 5-10 дақиқа вақт берилади.

3.5. Комиссия аъзолари бевосита талабалар томонидан бажарилаётган иш жараёнини онлайн тарзда кузатиб боришади.

3.6. Комиссия аъзолари топширилган ижодий ишларни баҳолашда алоҳида яратилган **видео-конференция** ёки **телеграм-канал орқали** амалга оширишади. Олимпиада натижалари охирги иштирокчининг ҳимояси тугагандан кейин 2 соат ичида эълон қилинади.

3.7. «Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн Фан олимпиадаси 1 кун давомида иккита турда ўтказилади:

1-тур шarti – Ижодий: берилган топшириқ бўйича “AutoCAD” дастуридан фойдаланиб талаб этилган чизмани чизиб расмийлаштириш.

2-тур шакли – бажарган ишини ишини ҳимоя қилиш (оғзаки савол - жавоб).

3.8. **1-тур** шарти бўйича 6 та топшириқдан бири танланиб, лойиҳа иши шаклида топшириқда қўйилган барча талабларни ҳисобга олган ҳолда, тўрт (4) астрономик соат (240 минут) мобайнида топшириқ бўйича берилган бино плани, фасади асосида белгиланган кесим бўйича конструктив қирқимни тўлиқ чизиб тугатилиши керак.

3.9. “Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси” фанидан бажариш учун топшириқлар мавзулари:

- 1) Турар-жой биносининг конструктив қирқимини чизиш;**
- 2) Жамоат биносининг конструктив қирқимини чизиш;**
- 3) Саноат биносининг конструктив қирқимини чизиш.**

3.10. **2-тур** шарти бўйича талаба ўзи бажарган лойиҳа ишини барча талаблар бўйича оғзаки ҳимоя қилиши ва эксперт ҳайъати томонидан берилган саволларга жавоб бериши керак. Оғзаки ҳимоя қилиш 5-7 дақиқа ва савол жавоб учун 5-10 дақиқа вақт берилади. Агар олимпиада иштирокчисининг диққатга сазовор бўладиган шахсий ишлари, ютуқлари бўлса ва у ўзи билан бўлаётган савол-жавоблар пайтида уларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этаолса, қўшимча балллар берилади.

IV БОБ. БАҲОЛАШ МЕЗОНИ ВА БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТ

«Саноат ва фуқаро бинолари архитектураси» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн Фан олимпиадаси бўйича тур кесимида баҳолаш мезони қуйидагича амалга оширилади: Тур жами **300 баллик** тизимда баҳоланади. Жумладан: 1-тур **200 балл**, 2-тур – **100 балл**.

№	1-ТУРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ	Максимал балл
1	Берилган топшириқни белгиланган вақтда тўлиқ бажариб, экспертларга тақдим этиши	10 балл
2	Бинода қўлланилган антисейсмик тадбирларнинг илмий-амалий асосланганлиги	30 балл
3	Бионинг пойдевор қисми лойиҳасининг сифати	40 балл
4	Бино девори, ораёпма, том ёпма конструкцияларининг илмий асосланганлиги	40 балл
5	Бино томи конструктив ечимининг илмий-амалий жиҳатдан асосланганлиги	40 балл

6	Топшириқнинг график ечими ва чизмачилик қоидаларига риоя қилинганлиги.	40 балл
Жами:		200 балл

1-турга ажратилган вақт: 4-соат (240 дақиқа)

2-ТУРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ		
№	Баҳолаш мезони	Максимал балл
1	Амалий бажарган иши бўйича ижодий фикрлаши, ўзи қабул қилган ечимларни илмий-амалий жиҳатдан асослаб бера олиши.	20 балл
2	Биоларнинг замонавий конструктив ечимлари, Ўзбекистонда архитектура ва қурилиш соҳасининг ривожланиш анъаналари тўғрисидаги билимлари	30 балл
3	Архитектуравий-конструктив чизмаларни расмийлаштириш қоидалари ҳақидаги билимлари	30 балл
Жами:		80 балл
Қатнашувчининг шахсий ишлари		
1	Республика миқёсидаги ОАК журналларида мақоласи нашр қилинганлиги	4
2	Хорижий ва республика конференцияларда иштироки ва мақоласининг чоп этилганлиги	5
3	Давлат грантлари дастурларидаги иштироки	3
4	Лойиҳавий ишланмаларда қатнашганлиги	5
5	Танловларда қатнашганлиги ва бошқа ютуқлари	3
Жами:		20 балл
Умумий:		100 балл

V БОБ. ОЛИМПИДАНИ ЯКУНЛАШ ТАРТИБИ

Олимпиада натижалари Ташкилий қўмита томонидан Вазирликнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармасига жўнатилади. Натижалар вазирлик томонидан эълон қилинади.

VI БОБ. НИЗОЛАРНИ КЎРИШ ТАРТИБИ

Олимпиада натижалари эълон қилингандан сўнг 24 соат ичида тушган ёзма шикоят ва аризалар Ташкилий қўмита томонидан онлайн шаклда жисмоний ва юридик шахслар мурожаати тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳал этилади.

Эслатмалар:

Агарда талаба фан олимпиадаси давом этаётган даврда ўзи ёки ўзи таҳсил олаётган ОТМ томонидан йўл қўйилган техник носозликлар сабабли онлайн алоқадан чиқиб кетса;

Илмий раҳбари ёки бошқа мутахассисдан ёрдам олса;

Тайёр (олдиндан тайёрлаб қўйилган) лойиҳалардан фойдаланишга уринса ва шу каби номақбул ишларни амалга оширса, бу ҳолатда шаффофлик ва ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида талаба фан олимпиадасидан четлаштирилади ва баённома билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳолат бошқа ОТМларида такрорланмаслигини таъминлаш мақсадида ушбу талаба ва у таҳсил олаётган ОТМ раҳбариятига қатъий чора кўриши учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига расмий хат билан мурожаат қилинади.